


ЎЗБЕКИСТОН ОҶОЗИ

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

«ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК»

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини кўп минг нусхада чоп этди.



Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини кўп минг нусхада чоп этди. Мажмуадан мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда вужудга келган вазият муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган баёноти ҳамда халқимизда катта қизиқиш уйғотган ушбу муҳим ҳужжат муҳокамалари доирасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбати баёни ўрин олган. Бундан ташқари, китобда Юртбошимизнинг жафокаш афрон заминидида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласи бўйича илгари турли анжуман ва йиғилишларда, нутқ ва чиқишларида баён этган фикрлари, олға сурган таклиф ва ташаббуслари ҳам эълон қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўз асарларида халқаро терроризм деган муҳим хавф-хатар остонамиз олдида турган бир пайтда тинчлик бўлсин, деган тилаклар билан чекланиш кифоя эмаслиги, бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий

ҳаракат бўлиши зарурлигига эътиборни қаратади. «Тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак, — дея таъкидлайди Юртбошимиз. — ...Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».

■ (ЎЗА)

2001 YIL 22 NOYABR ◆ PAYSANBA ◆ № 138 (26.840)

МУНОСАБАТ

ТЕРРОРИЗМНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Тарих зарварақларини варақлар экансиз, тинчлик ва осойишталикка раҳна солиб, халқларнинг фаровон ҳаётини қора қилмишлари билан бузиб, ўз мақсадлари йўлида қанча ҳалол ва меҳнат-каш инсонларнинг ёстигини қуритаётган, мамлакатларни вайрон қилаётган баъзи қора қўланкалар ҳамма даврда бўлганлигининг гувоҳи бўласиз. Талончи, босқинчи, фашист, террор... Буларнинг уруғи бир, номи ҳар хил. Лекин ҳаммаша адолат ғолиб бўлиб келган.

Юртбошимиз бир неча марта халқаро минбарларда туриб, бутун жаҳон халқларига хавф солиб турган терроризм ҳақида куюниб гапирганди. Ер юзидида содир бўлаётган турли-туман ҳодисалар

Юртбошимизнинг ҳадиғи нақадар ҳақ бўлганлигини исботламоқда.

Ҳаётни ўрганишнинг сари Президентнинг «Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас. Балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим» деган фикри ҳақиқига яна бир қарра имон келтирасан. Террор балоиси ер юзидида бутунлай йўқотилиши керак. Зеро, шопиримиз Абдулла Орипов айтганидек, бу ёруғ оламда қуёш битта, она битта, юрак битта, Ватан деб номланган муқаддас маскан ҳам биттадир. Шу боис, унинг ҳар сиким тупроғини кўзга суртиб, меҳри ва соғинчини қалбимиз тўрида сақласак арзийди.

Биз адолатли, демокра-

тик, ҳуқуқий ва инсонпарвар жаҳият қурмоқчимиз. Бу жаҳият ўз-ўзидан эмас, балки ўз Ватандан, ўз халқига содиқ ва чинакам фидойилар томонидан барпо этилади. Ватанпарварлик гоёси устун бўлсагина Ватан пойдевори мустаҳкам бўлади, бир мақсад йўлида бирлашиб, бир тан, бир жон бўлиб терроризм деб аталган XXI аср вабосига қарши курашсалар, унинг ёвуз, жирканч башарасини албатта янчиб ташлайдилар.

Инсоният маънавий юксалмоқда, фан-техника, маърифат ривожланмоқда. Терроризмнинг эса умри қисқа. У, албатта, таг-томри билан кўпориб ташланади.

■ Сабоҳат ЯРАШОВА, «Давлат ва ҳуқуқ журнали» муҳаррири

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Муҳлису мутаҳассисларга маъқул келадиган бир байрам бор. Бу «Президент кубоги» учун анъанавий равишда ўтказилаётган халқаро теннис мусобақасидир. Кичик тўп усталари ўртасида ўтказилувчи бу баҳсининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Боиси, пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт қишлоғида ўтказилган бу тадбир ташкилий ва тадбирий жиҳатдан халқаро андозаларга мослиги, дунёнинг турли бурчақларидан келган спортчиларга кўрсатилаётган меҳмоннавозлик, умуман яратилаётган шароитлар халқаро даражада. Қуни кеча Сиднейдаги «Мастерс кат» турнири теграсида халқаро гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Бу ерда бошқарув палатаси бир овоздан «Президент кубоги — 2001» мусобақасини «Энг яхши ташкилотчилик ва меҳмондорчилик учун» мукофоти билан тақдирлашга қарор қилди. Бу билан «Президент кубоги» турнири учинчи бор кетма-кет ана шундай мукофотга сазовор бўлди. Шу муносабат билан АТП Тур президенти Марк Майлс ҳамда ИТП президенти ва «Президент кубоги» асосчиси Сассон Какишери мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллашди. Бир сўз билан айтганда, халқаро эътироф келаси йил ўтказиладиган «Президент кубоги» мусобақасини янада қизиқарли ва байрамона ташкил этилишига рўҳлантиради.

■ (ЎЗ МУХБИРИМИЗ)



ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ

■ Шовкат АКРАМОВ олган сурат

бу автобуслар ҳаддан ташқари тикилини, бекатда тўхташ ўрнига ё 150 метр нарида, ёки 150 метр беридида тўхтаб каллаини саҳарлаб одамларни «кимўзар»га ўйнатади. Қолаверса, қўлингиздаги йўл чиптангизини қуриши билан йўл назоратчиси ҳам,

Чунки эрталабдан ноўрин дакки-дашном эшитсангиз, куннинг охиригача мизга айланган ёмон бўлиб юраркан. Қайси кун йўл назоратчиси кўрагимизга тақиб юрадиган бейжикни олиб қўйди. «Менга ўқувчи гувоҳномаларингни кўрсат. Бунақа матохла-

торларимиз ўзлари ҳам бейжик тақиб юришгани ҳолда бизнинг бейжигимизга ишонимиз йўқ. Ахир, унда ҳам ўқиш жойимиз, исм-шарифимиз, тўлиқ кўрсатилган, суратимиз ёпиштирилган ва давлат муҳри урилган бўлади-ку!..

■ Сайидзам РАШИДОВ, Сафар ҚОНИЛОВ, Бизнес мактаби ўқувчилари

«Йўл чиптангизининг муҳри борми?» мақоласида худди кўнглимиздаги гап ёзилди. Ростдан ҳам йўл назоратчилари ҳаддан ташқари баджаҳл бўлиб кетишган. Агар улардан «Фалон манзилга қайси бекатда тушас бўлади?» деб сўраб қолсангиз борми — телла сочлари тикка бўлиб: «Кўрмайсизми мен билет сотаяман. Пул санайми ё сизнинг борадиган жойингизни топиб берайми?» деб дўқ қилишди. Шофёрлар бўлса, кунига давлатга режада белгиланган пулни топширилари пеш қилиб асабларимизни эгзовлайди. Биз университетга 20-, 116-автобусларда катнаيمиз. Транспорт ходимлари қўлимиздаги талабалик гувоҳномаларимизни қўллари олиб ҳар кун қайта-қайта текширишади. Ахир бу шунчаки қоғозмас, биз

жуда қийналиб етишган, қолаверса, нуфузли бир олийгоҳ маъмурияти томонидан берилган ҳужжат-ку! Ахир, у ҳар кун қўлма-қўл бўлаверса, тўрт йилгача титилиб адо бўлмайми?! Талаба эканлигимизни исботлаш шунчалик қийинки... Мабодо қалбаки ҳужжат ва йўл чипталари кўпайиб кетган бўлса, бу ноинсофликни бартараф қилишнинг бошқароқ ва тезкорроқ йўллари йўлаб топилсин-да!.. Кўпинча қутубоналардан китоб олиш учун маълум муддатга паспортингизни ёки талабалик гувоҳномангизни қолдиришингизга тўри келади. Талабалик гувоҳнома ёнимда йўқ пайтларда кўнчилиқ орасида шарманда бўлиб, ўзимдан катта йўл назоратчилари билан тортишим келмай, талабалик йўл чипта бўлсам, қўшимча яна йўл ҳақи тўлашга мажбур бўламан. Шундай пайтларда биз сотиб олаётган йўл чипталарининг ҳақи қаёққа тушаркин, нега шофёрлар ва йўл назоратчилари бу чипталарни ёмон қўришаркин, деб ўйлаб қоламан.

■ Наргиза ИБРОҲИМОВА, талаба

Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман. Лекин шунга қарамай, давлат корхонасида хизмат қиламан. «Аэропорт — Хувайдо» йўналиши бўйлаб юрадиган 11-автобусда ишга катнайман. Табиийки, ҳар ойда ногиронлик йўл чиптасини сотиб оламан. Лекин минг афсуски, йўл назоратчилари қўлимдаги чиптага ҳам, ногиронлик гувоҳномамга ҳам шубҳа билан қараб, мени ҳаммаша кўнчилиқ олдида кеза қилишади. «Қаеринг иссал ўзи?» Савлатингни қара. Уялмайсанми, соппа-соғ бўла туриб пул тўламай бунақа чипта билан юришга!» каби даққидашномлардан безор бўлиб кетдим. Нима, мен бир автобус одам гувоҳлигида унга қаерим касаллиги — ногиронлигим сабаби ҳақида ҳисоб беришим керакми? Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўша «қуюн-

шофёр ҳам энсаси қотиб афтини буриштиради. Ҳатто айримлари «Проездной» чипкагани қойиб қўйишди. Ушандай пайтларда ўзимни гуноҳдордай сезиб жуда нуқулай аҳволга тушиб қоламан. Қўсқаси, биз ҳеч қачон бу автобусларда хотиржам кетолмаймиз.

■ Гулнора ҚОСИМОВА, ЎЗДЖТУ I-курс талабаси

Чиндан ҳам йўл назоратчилари ўқувчиларга муносабатларини жиддий ўзгартиришлари керак.

АКС-САДО

«Йўл ЧИПТАНГИЗНИНГ МУҲРИ БОРМИ?»

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА «ДАВРА СУҲБАТИ»

2001 йилнинг 20 ноябрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида навбатдаги «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари бўлган ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳамда уларнинг тасарруфидидаги туман (шаҳар) кенгашлари масъул ходимлари, партиядан Олий Мажлисга сайланган бир гуруҳ депутатлар, иқтисодчи олимлар ўтиш даврининг долзарб иқтисодий муаммолари тўғрисида баҳс-мунозара юритдилар.

Суҳбатни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов бошқарди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Раисининг масъулаҳатчиси, иқтисод фанлари доктори С.Силвестровнинг «Маъмурий қўмондонлик иқтисодиётдан иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш хусусиятлари. Ўтиш даврида бозор мурватларининг қарор топиши ва амал қилиши» мавзудаги маърузаси тингланди. Унинг муҳокамасида қатнашган Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, профессор Г. Охунова, иқтисод фанлари докторлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш институти ректори, профессор Ф. Акназаров, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси профессори Р. Раizzoқов ва бошқалар ўз чиқишларида Ўзбекистон мустақиллиги даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг турли қирраларини очиб бердилар. Улар, шунингдек, ўтиш даври иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришларнинг аҳамияти, республикамизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий босқичлари, инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўллари каби, кўплаб масалалар юзасидан ўз қарашларини баён этдилар.

Бундай, яъни хорижий олимлар иштирокидаги, мулоқотларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

«Давра суҳбати»да Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихона масъулаҳатчиси В. Бледних иштирок этди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХРОНИКА

ТОЛИБЛАР ШАРТИ ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ

Афғонистонда бораётган аксилтеррорчилик ҳарбий операциясида қатнашаётган барча ҳарбий қўвонимнинг эътибори айна пайтда Қундуз ва Қандаҳорга қаратилган. Қундузда ҳозир толибларнинг 30 мингга яқин жангчилари бор. Улардан ярми чет эллик ёланма жангчилар бўлса, қолганлари афғонлар дея ҳисобланмоқда.

Маълумки, ўтган ҳафтада Шимолий иттифоқ генерали Муҳаммад Дауд Хон томонидан шаҳарни жангсиз топшириш борасида толибларга шарт қўйилган эди. Ва бу шартга қўра, толиблар икки кун мобайнида қуролларини топширишлари лозим бўлиб, улар таркибидидаги барча афғонлар авф этилишлари маълум қилинганди. Бироқ Муҳаммад Дауд Хон бу авф ёланма жангчиларга тегишли эмаслигини билдирган.

Хуллас, ўтказилган мунозараларга қўра, Шимолий Иттифоқ афғон толибларининг Қундуздан чиқиб кетишлари учун «йўлак» беришга рози бўлади. Бу шарт, яъни яратилган «йўлак»дан фақат афғон миллатига мансуб толибларнинг ўтиши мумкинлиги БМТ, АҚШ томонидан ҳам қаршиликка учрамаган. Бироқ, толибларни бу имконият қониқтирмади. Улар ўз сафларидаги ёланма жангчиларни қолдириб, шаҳардан чиқиб кетишга журъат қилолмадилар. Агар Қандаҳордаги толибларда Покистонга ўтиб кетиш имконияти мавжуд бўлса, Қандаҳордан фарқли Қундуз Шимолий Иттифоқ қўшинлари томонидан мутлақ ўраб олинган. Толиблар қўяётган шартга қўра, шаҳардан толибларнинг барча жангчилари, шу жумладан, «Ал-Қаида» гуруҳи аъзолари ҳам чиқиб кетишлари лозим.

Ҳозиргача бўлган маълумотларга қўра, Шимолий Иттифоқ бу шартларнинг бирортасини инобатга олмақчи эмас, балки АҚШ ҳаво зарбаларига таянган ҳолда шаҳарни забт этишнинг янги лойиҳаларини кўрмоқчи. Иттифоқдаги нуфузли қўмондонлардан бири генерал Дўстум бераётган маълумотларга қўра, айна пайтда толиблар орасида ўз жангчилари билан Шимолий Иттифоқ томонга ўтиш истагидаги командирлар бор. Ҳатто Дўстум уларнинг номларини ҳам айтиб ўтади — мулла Фахриддин Рахмонов, генерал ихтиёрий равишда қурол топширган афғонлар авф этилиши ҳақида яна бир баёнот берди.

Биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодининг излаш ишлари эса давом этмоқда. «Фронтинг пост» газетасининг ёзишича, террорчининг энг яқин ёрдамчиларидан бири Фозил Розик Пешовар шаҳрида қўлга олинган. Пуштур миллиатига мансуб бу шахс бин Лодиннинг қаердалиги, шунингдек, унинг қўриқланиш тизими ҳақида жуда қимматбаҳо маълумотлар бериши мумкин. Газета маълумотида қўра, Розик бин Лодин топшириги билан янги террористик ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида йўлга чиққан эди.

Афғонистондаги аксилтеррор курашига дунё мамлакатларининг ҳарбий кўмаклари келишда давом этмоқда. Австралия ҳукумати шу мақсадда 1550 нафар ҳарбий хизматчи, тўртта қирувчи самолёт ва бошқа ускуналардан иборат ҳарбий кўмак ажратган.

«ЎЗБЕКИСТОН ОҶОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОҶОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Ўзбекистана» — 121

